

Бир дўстимнинг тўйида никоҳ ўқиладиган домла келин-куёвнинг исмларини айтмасдан уларни никоҳла

15:59 / 26.04.2016 3824

САВОЛ: Бир дўстимнинг тўйида никоҳ ўқиладиган домла келин-куёвнинг исмларини айтмасдан уларни никоҳлаб қўйди, яъни “куёвтура келинпошшани тан махрамликга қабул қилдингизми?” ва «келинпошша куёвтурага тан махрамликга розимисиз?” деб никоҳ ўқилди. Мана шу жойда никоҳ жоиз бўлдими?

ЖАВОБ: Келин-куёвни номини айтиш бизда доимий равишда домлалар тарафидан килиб келинган нарса, лекин бу ҳолатни синчковлик билан ўрганиш керак. Ўша домла нима учун айтмадилар, эҳтимол икки тараф бир-бирига танишлиги учундир, эҳтимол Яна вакиллар томонидан айтилган бўлиши мумкиндир. Аслида эса Исломда бир-бирини танимайдиган бўлса, бир-бирини номини билмаса ва рози бўлмаса никоҳ дуруст бўлмайди. Балки куёв келинни ижоб ва қабул пайтидаги розилиklarини баён қилувчи овозини ҳам куёв-келин бир бирлариникини эшитиши ҳамда гувоҳлар ҳам розилик сўзларини эшитишлари, овозларини эшитишлари лозим. Ана шу маънода бизда номини айтиб, сўраб, тасдиқлаб икки тарафдан розилик олиш йўлга қўйилган. Албатта буни имом, домлаларимиз келажакда эътиборга олишади деган умиддамиз. Лекин бу саволдаги никоҳни жоизми ёки йўқми айта олмаймиз. Чунки бу жуда нозик нарса буни алоҳида ўрганиб, тадқиқ қилиб кейин бир нима дейиш мумкин. Биз эса шариатда келадиган қоидалар билан чегараландик.